



**XALQ DEPUTATLARI O'ZBEKISTON TUMANI KENGASHI  
QARORI**

2020 yil " 28 " dekabr

95/16-6-son

**Ўзбекистон туманининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини  
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги (ЎРҚ-657-сон) Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини худудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет кодексига ва мазкур қонунга ҳамда Фарғона вилоят молия бош бошқармасининг 2020 йил 28 декабрдаги VT15134802-сонли хатига асосан 2021 йил учун Ўзбекистон тумани маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгаши

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

1. Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг 2020 йил 28 декабрдаги VI-XXIV/121-сонли қарорига (кейинги ўринларда Қарор деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Ўзбекистон тумани маҳаллий бюджетига вилоят маҳаллий бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 86,7 млрд.сўм миқдорида тасдиқланганлиги ҳамда туман маҳаллий бюджети даромадлари 71,5 млрд.сўм ва харажатлари эса 158,2 млрд.сўм миқдоридаги прогнозлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қарорга асосан 2021 йилда:

а) Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин.



б) Қуйидаги солиқ турлари туман маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
- айланмадан солиқ;
- жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган солиқ;
- яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;
- давлат мулки бўйича ижара тўловлари;
- ер участкаларига булган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари;
- бюджет ташкилотлари асосий воситалари сотилишидан туман ва шаҳар бюджетига тушадиган тушумлар;

в) Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига қуйидаги улушларда:

Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ туридан тушумларнинг 50 фоизи;

Яқуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализацияси қилишдаги акциз солиғидан тушумларнинг 20 фоизи;

Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) 50 фоизи ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин;

3. 2021 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадларининг прогноз кўрсаткичлари **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман маҳаллий бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ захира жамғармалари маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган харажатларининг камида 1 фоизи миқдориди шакллантирилиши белгиланганлигидан келиб чиқиб, 2021 йил учун туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажмлари **1,5 млрд.сўм** миқдориди тасдиқлансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини туман бюджетиди кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек,



ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласин.

6. Қарорга кўра 2021 йил учун туман бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар ўтган йилга нисбатан ўзгаришсиз яъни 719,0 млн.сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар 3-иловага ҳамда жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунга кўра, туман давлат солиқ инспекцияси (Кўчқаров) тасдиқланган кофицентлар ва солиқ ставкаларига мувофиқ 2021 йил учун жисмоний ва юридик шахсларга ер солиғини ҳисоблаш вазифаси юклатилсин.

Бунда, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлигига алоҳида эътибор қаратсин.

8. Туман бюджетида шаклланган кўшимча манбалар тегишинча туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги таклифлари асосида, Кенгашлар қарорларига асосан фойдаланилиши белгилансин. Бунда, шаклланадиган кўшимча манбалардан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш назарда тутилсин.

9. Туман маҳаллий бюджети даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилаётган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан вилоят ҳокимлигига мурожаат қилиши қонун билан белгиланганлиги инобатга олинсин.

10. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан кўшимча амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган кўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

11. Туман ҳокимлиги худудий бюджет маблағлари тақсимловчилар



билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларини етарли даражада режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини таъминлаш;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинадиган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларини молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак яқунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар ҳокимликлар томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштираш.

12. Туман ҳокимлиги Қонунга мувофиқ тегишли равишда бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини туман Кенгашига киритиб борилишини таъминласин.

13. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун Кенгашга ахборот киритсин.

14. “Яйпан овози” газетаси таҳририяти (К.Шерматов), Ўзбекистон туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (Д.Жабборов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик расмий веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин;

15. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.


**Кенгаш раиси,  
туман ҳокими**



**Қ.Джураев**



Халқ депутатлари  
Ўзбекистон тумани Кенгашининг  
2020 йил «28» декабрдаги  
95/16-6-сонли қарорига  
1-илова



Ўзбекистон тумани маҳаллий бюджети даромадларининг  
2021 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	<b>Жами даромадлар</b>	<b>71 497 111</b>
<b>I.</b>	<b>Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад</b>	<b>18 905 081</b>
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	18 905 081
	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	
<b>II.</b>	<b>Бириктирилган даромадлар</b>	<b>32 950 230</b>
	<b>Туман ва шаҳарларга бириктирилган</b>	<b>17 011 356</b>
1	Ягона солиқ тўлови	4 996 643
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	1 392 421
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	5 756 859
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 865 433
6	Ижара тўловлари	
	<b>Вилоят ва туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар</b>	<b>15 938 874</b>
1	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	4 001 721
2	Норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаридан фойдаланганлик учу солиқ	11 937 153
<b>III.</b>	<b>Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)</b>	<b>19 641 800</b>
	<i>Аҳоли сони (минг киши)</i>	<i>240</i>
15.	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	12 754 400
16.	Мобил алоқага акциз солиғи	6 887 400

Халқ депутатлари  
Ўзбекистон тумани Кенгашининг  
2020 йил «28» декабрдаги  
95/16-6-сонли қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон тумани маҳаллий бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет  
маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий  
чекланган миқдорлари**

минг сўмда

Т/р	Туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан маблағ олувчи ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар номи	Сумма (минг сўм)
1	Мактабгача таълим бўлими	16 737 156
2	Халқ таълими бўлими	7 330 306
3	Тиббиёт бирлашмаси	60 786 252
4	Маданият бўлими	4074198
5	Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	2 949 832
6	Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими	727 291
7	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими	918 182
8	Ирригация бўлими	1 568 150
9	Қишлоқ хўжалиги бўлими	619 956
10	Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	355 193
11	Ободонлаштириш бошқармаси	6 837 839
12	Молия бўлими	770 036
13	Пенсия жамғармаси ҳудудий бўлими	906 330
14	Ҳокимият	53 625 710
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>158 206 431</b>



Халқ депутатлари  
Ўзбекистон тумани Кенгашининг  
2020 йил «28» декабрдаги  
95/16-6-сонли қарорига  
3-илова

**Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича  
мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган  
камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар**

минг сўмда

Т/р	МФЙ лар номи	Коэффициент (0,7 дан 3,0 гача)	Ер солиғи ставкаси 2021 йил учун (1 га учун )
1	А.Жомий	1,10	18 503,1
2	Авгон	0,80	13 456,8
3	Бегобод	1,00	16 821,0
4	Беруний	1,10	18 503,1
5	Боги Эрам	1,10	18 503,1
6	Бозор Яйпан	1,10	18 503,1
7	Бузуккургон	0,80	13 456,8
8	Бустон	0,80	13 456,8
9	Давлатботир	0,80	13 456,8
10	Дахан акакир	0,90	15 138,9
11	Дашт-чулпон	0,90	15 138,9
12	Дехконобод	0,90	15 138,9
13	Дунгсарой	0,90	15 138,9
14	Дустлик	0,80	13 456,8
15	Жонобод	0,80	13 456,8
16	Зиё Нурсух	0,90	15 138,9
17	Зинаша	0,80	13 456,8
18	Ислом	0,90	15 138,9
19	Кайкубод	0,90	15 138,9
20	Кайнар	0,90	15 138,9
21	Какир	0,90	15 138,9
22	Каримдевона	0,90	15 138,9
23	Катагон	0,80	13 456,8
24	Катта кайнар	0,80	13 456,8
25	Катта тағоб	0,70	11 774,7
26	Кирккетмон	0,80	13 456,8
27	Кичик Окмачит	1,00	16 821,0
28	Кораёзбобо	0,80	13 456,8
29	Коратепа	0,90	15 138,9
30	Кудаш	0,90	15 138,9
31	Кул элаш	0,90	15 138,9
32	Кулибек	0,90	15 138,9
33	Кум	0,90	15 138,9
34	Кумбости	0,90	15 138,9



35	Кургонча	0,90	15 138,9
36	Кушкунук	1,00	16 821,0
37	Мингтут	0,90	15 138,9
38	Навбахор	1,00	16 821,0
39	Наймансой	0,90	15 138,9
40	намуна	1,00	16 821,0
41	Нурли Келажак	0,90	15 138,9
42	Нурсух	0,90	15 138,9
43	Обод кишлок	0,90	15 138,9
44	Овчи	0,90	15 138,9
45	Ойимча Какир	0,90	15 138,9
46	Окмачит	0,90	15 138,9
47	Октепа	1,10	18 503,1
48	Олмазор	1,00	16 821,0
49	Охта тагоб	0,80	13 456,8
50	Пасткикурик	1,10	18 503,1
51	Ражабгарди	0,70	11 774,7
52	Сочтепа	1,00	16 821,0
53	Тагоб	0,70	11 774,7
54	Товуш	0,90	15 138,9
55	Туркистон	1,10	18 503,1
56	Туюл	1,00	16 821,0
57	Укчи	0,80	13 456,8
58	Ўкчи Туман	0,80	13 456,8
59	Укчи-дашт	0,80	13 456,8
60	Урта кишлок	0,80	13 456,8
61	Учбулак	0,80	13 456,8
62	Фаровон келажак	0,90	15 138,9
63	Хайдаробод	0,80	13 456,8
64	Хотамтой	0,70	11 774,7
65	Шодлик	0,90	15 138,9
66	Шур кишлок	0,80	13 456,8
67	Шурсув	0,80	13 456,8
68	Элчи	1,00	16 821,0
69	Эски Яйпан	1,10	18 503,1
70	Яйпан Гузар	1,10	18 503,1
71	Яккатут	1,00	16 821,0
72	Янги хаёт	0,80	13 456,8



Халқ депутатлари  
Ўзбекистон тумани Кенгашининг  
2020 йил «28» декабрдаги  
95/16-6-сонли қарорига  
4 - илова

Жисмоний шахслар бўйича (дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ микдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

сўмда

Т/р	Худуд номи	Коэффициент (0,7 дан 3,0 гача)	Ер солиғи ставкаси 2021 йил учун (1 кв учун)
1	А.Жомий	1,00	151,9
2	Авгон	1,00	151,9
3	Бегобод	0,70	106,3
4	Беруний	1,00	151,9
5	Боги Эрам	1,00	151,9
6	Бозор Яйпан	1,00	151,9
7	Бузуккургон	0,90	136,7
8	Бустон	0,90	136,7
9	Давлатботир	0,90	136,7
10	Дахан акакир	0,90	136,7
11	Дашт-чулпон	0,90	136,7
12	Дехқонобод	0,90	136,7
13	Дунгсарой	0,90	136,7
14	Дустлик	1,00	151,9
15	Жонобод	0,90	136,7
16	Зиё Нурсух	0,90	136,7
17	Зинаша	0,90	136,7
18	Ислом	0,90	136,7
19	Кайкубод	0,90	136,7
20	Кайнар	0,90	136,7
21	Какир	0,90	136,7
22	Каримдемона	0,90	136,7
23	Катагон	0,90	136,7
24	Катта кайнар	0,90	136,7
25	Катта тағоб	0,90	136,7
26	Кирккетмон	0,90	136,7
27	Кичик Окмачит	0,90	136,7
28	Кораёзбобо	0,90	136,7
29	Коратепа	0,90	136,7
30	Кудаш	0,90	136,7
31	Кул элаш	0,90	136,7
32	Кулибек	0,90	136,7
33	Кум	0,90	136,7
34	Кумбости	0,90	136,7



35	Кургонча	0,90	136,7
36	Кушкунук	0,90	136,7
37	Мингтут	1,00	151,9
38	Навбахор	1,00	151,9
39	Наймансой	1,00	151,9
40	намуна	0,90	136,7
41	Нурли Келажак	0,90	136,7
42	Нурсух	1,00	151,9
43	Обод кишлок	0,90	136,7
44	Овчи	1,00	151,9
45	Ойимча Какир	0,90	136,7
46	Окмачит	0,90	136,7
47	Октепа	0,90	136,7
48	Олмазор	0,90	136,7
49	Охта тағоб	0,90	136,7
50	Пасткикурик	1,00	151,9
51	Ражабгарди	1,00	151,9
52	Сочтепа	0,90	136,7
53	Тағоб	0,70	106,3
54	Товуш	1,00	151,9
55	Туркистон	1,00	151,9
56	Туюл	0,90	136,7
57	Укчи	0,90	136,7
58	Ўкчи Туман	0,90	136,7
59	Укчи-дашт	0,90	136,7
60	Урта кишлок	0,90	136,7
61	Учбулак	0,90	136,7
62	Фаровон келажак	1,00	151,9
63	Хайдаробод	0,70	106,3
64	Хотамтой	0,70	106,3
65	Шодлик	0,90	136,7
66	Шур кишлок	0,90	136,7
67	Шурсув	0,70	106,3
68	Элчи	0,90	136,7
69	Эски Яйпан	0,90	136,7
70	Яйпан Гузар	0,90	136,7
71	Яккатут	0,90	136,7
72	Янги хаёт	0,90	136,7